



ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЯНГИ УСУЛЛАР ВА САМАРАДОРЛИК

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Эргашев Озодбек Шодиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 2-ўқув курси 216-ўқув гуруҳи курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15095849>

ARTICLE INFO

Received: 20st March 2025

Accepted: 25th March 2025

Published: 27th March 2025

KEYWORDS

Жинсий эркинлик, жиноят
профилактикаси,
самарадорлик, махсус
профилактика, ҳуқуқни
муҳофаза қилиш.

ABSTRACT

*Ушбу мақола жинсий эркинликка қарши
жиноятларнинг махсус профилактикасини
такомиллаштиришга қаратилган. Янгича усуллар
ва самарадорликни ошириш орқали жиноятларнинг
олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш
масалалари кўриб чиқилади.*

Жамиятнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашда одам ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий ўрин тутаети. Айниқса, жинсий эркинликка қарши жиноятлар инсоннинг қимматини, шарафини ва қадр-қимматини ифодалаган ҳолда, жамиятдаги муаммоларни, ҳуқуқбузарликларни ва ижтимоий муаммоларни кучайтириб юбориши мумкин. Бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши самарали профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар одамларнинг шахсий ҳуқуқларига бевосита таъвоуз қилиш бўлиб, инсонларнинг ҳаётига, психологиясига ва жамиятга салбий таъсир кўрсатади. Бу жиноятлар нафақат манипуляция ёки тақиқлар билан боғлиқ бўлиб, балки кўпинча жабрланувчиларнинг тўлиқ шахс сифатида тараққий этишига халал беради.

Шу сабабли, бу жиноятларга қарши курашишда янги усуллар ва самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Замон талаблари ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги хулосалар ва тажрибалар, жиноятларга қарши курашда янги ёндашувларни жорий қилишни тақозо этади. Шунингдек, профилактика механизмларини янада такомиллаштириш жамиятда адолатни таъминлаш, жиноятлар сонини камайитириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган самарали стратегияни амалга ошириш имконини беради.

Ушбу мақолада жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг махсус профилактикасини такомиллаштиришдаги янги усуллар ва уларнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилади. Бунда, жамиятдаги ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий омилларни ҳисобга олиб, профилактика усулларининг ишончли ва таъсирчан бўлиши учун қандай ёндашувлар жорий этилиши мумкинлиги таҳлил қилинади.

Жинсий муносабатлар инсоният ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил қилиб, жамиятда бундай муносабатлар ҳуқуқнинг турли соҳалари (жумладан, оила, фуқаролик ёки бошқа қонун нормалари билан) ҳамда ахлоқ норма ва қоидалари асосида тартибга солинади. Жиноят ҳуқуқи жинсий муносабатларни тартибга солмайди, балки у инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва жамиятда шаклланган жинсий ахлоқ принципларини бузувчи қилмишлар содир этилишини тақиқлайди. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи инсоннинг жинсий эркинлиги, дахлсизлиги ҳамда жинсий ахлоқнинг асосий принципларига тажовуз қилувчи қилмишлар учун жинсий жавобгарлик белгилайди.

Адабиётларда жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизлик тушунчалари фарқланади.

Жинсий эркинлик деганда, ақли расо ва муайян ёшга етган шахснинг жинсий эҳтиёжларини ўз ихтиёри бўйича амалга ошириш ҳуқуқи тушунилади. Шунингдек, жинсий эркинлик ҳар қандай шахс ўзининг жинсий эҳтиёжини ким билан қандай усулда қондиришини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади.

Жинсий дахлсизлик деганда, ҳар қандай шароитда 16 ёшга тўлмаган шахснинг жинсий муносабатларга жалб этилмаслик ҳуқуқи тушунилади. Жинсий дахлсизликка қаратилган ҳар қандай жинсий тажовуз жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар деганда, Жиноят кодекси нормалари билан тақиқланган жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ва эркинлигига тажовуз қилувчи ҳамда жинсий ахлоқнинг асосий принципларини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади. Шу нуқтаи назардан таҳлил этилаётган жиноятларнинг турдош объектини шахснинг жинсий эркинлиги ва жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ҳамда жинсий муносабатларнинг умум эътироф этилган ахлоқий принципларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг жабрланувчилари аёл (ЖК 118– 119-м.; 121-м.) ёки эркак жинсидаги (ЖК 119–120-м.), вояга етмаган (ЖК 118-м. 3-қ. «а» банди, 119-м. 3-қ. «а» банди) ёки ёш бола бўлиши (ЖК 118-м. 4-қ.; 119- м. 4-қ.) мумкин.

Жинсий эркинлик қандай ҳолат (жинси, ёши) ёки муайян шахс билан қандай муносабатда (оилавий аҳволи, эр-хотин муносабати) бўлмасин, ҳар қандай шахсга бирдек тааллуқли ҳисобланади ва жиноят қонуни нормалари билан тенг ҳимояланади. Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг объектив томони айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларида ифодаланади. Бу турдаги жиноятлар тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланади. Шу боис жинсий эркинликка қарши жиноятлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жинсий эркинликка қарши жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмиши ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш зарур.

Ушбу жиноятларнинг *субъектив томони* айбдорнинг қасд шаклида ифодаланади. Истисно тарзида Жиноят кодекси 118-моддаси учинчи қисми «д» банди ва 119-моддаси

учинчи қисми «д» бандларида назарда тутилган жиноятларда айбдорнинг жиноят содир этишга бўлган руҳий муносабати, яъни оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг содир этилишида жиноятдан кўзланган мақсад ва жиноятнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин, бироқ улар жиноятларни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Аниқ жиноят таркиблари бўйича уларнинг аниқланиши жазоларни индивидуаллаштиришда инobatга олинади.

Мазкур жиноятларнинг субъектлари Жиноят кодекси 118 ва 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларда 14 ёш, 120–121-моддаларида назарда тутилган жиноятларда эса 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Жиноят кодекси 120-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ақли расо 16 ёшга тўлган, фақат эркак жинсидаги шахслар ва 121-моддада назарда тутилган жиноятда эса, фақат жабрланувчи аёлга нисбатан хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарамликни келтириб чиқарувчи шахс бўлиши керак.

Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) номусга тегиш (ЖК 118-м.);

- 2) жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш (ЖК 119-м.);
- 3) бесоқолбозлик (ЖК 120-м.);
- 4) аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЖК 121-м.).

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўллари сикшиш, оёқлари, қўллари ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва шу кабилар тушунилади. Жинсий алоқада бўлганлик изларини, зўрлик аломатларини ва жиноятини аниқлашда жабрланувчи сўроқ қилинади, тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилади, ҳодиса содир бўлган жой текширилади, жабрланувчи, гумон қилинувчига нисбатан суд-тиббiiёт экспертизаси тайинланади, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилади.¹

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар жамиятдаги энг оғир ва етарлича кўп учрайдиган ҳуқуқбузарликлардан биридир. Уларнинг содир этилиши жисмоний ва маънавий салбий оқибатларга олиб келади. Жиноятлар қаторида ошиб боришининг шакллари турлича бўлиб, уларга: жинсий зўрлик, жинсий суистеъмол, ёшларнинг жинсий таълимдан четлаштирилиши ва шунга ўхшаш ҳолатлар киради.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар тиббiiй, психологик ва ижтимоий салбий таъсирлар билан юзага келади. Бу каби жиноятлар фақат жабрланувчиларга эмас, балки бутун жамиятга катта зарар келтиради, чунки улар ижтимоий муносабатлар, жамоатчилик одоб-ахлоқи ва жамиятнинг ҳуқуқий муҳитини бузади.

Профилактика чора-тадбирлар ва янги усуллар

Жинсий эркинликка қарши жиноятларга қарши самарали профилактика тизими жамиятда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади. Бу йўналишда бир нечта асосий стратегиялар мавжуд:

Биринчи. Ижтимоий фаолият ва жамоатчилик билан ҳамкорлик

Жинсий эркинликка қарши жиноятларга қарши курашда жамоатчилик ва оила ўзининг муҳим рольга эга. Мазкур соҳадаги профилактика тадбирларини амалга

¹ ОДИЛ СУДЛОВ Ҳуқуқий, илмiiй-амалий нашр <https://sud.uz/wp-content/uploads/2023/01/2-OS-2021.pdf>

оширишда оиладаги тарбия ва жамоатчиликнинг фаол иштироки катта аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон, жамиятнинг бир қисми сифатида, жинсий эркинликка хомушлик қилувчи жиноятларга қарши ўз позициясини билдириши, ҳақиқатда жиноятларнинг олдини олишга ҳисса қўшиши керак.

Иккинчи. Қонунчиликни такомиллаштириш

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар билан курашиш учун қонунчиликни янада кучайтириш ва аҳамият бериш муҳимдир. Янгиликлар ва замон талаблари асосида қонунлар ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш зарур. Қонунлар, айниқса, ҳуқуқбузарларнинг жазосиз қолмаслиги, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қонунларнинг ҳар бир шахс учун бир хиллигини таъминлаш керак.

Учинчи. Ҳуқуқий фаолият ва мониторинг

Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий органларнинг фаолиятини ошириш, уларнинг жиноятлар бўйича мониторинг олиб боришлари ҳамда жамиятдаги жиноятлар ҳолатини тезкор ва самарали аниқлашга қаратилган тадбирларни жорий этиш лозим. Бундан ташқари, жиноятларнинг олдини олиш учун жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш, ҳуқуқий таълим ва ишончли мониторинг тизимини яратиш муҳимдир.

Жинсий эркинликка қарши жиноятларга қарши курашиш ва профилактика қилиш жамиятнинг барқарорлиги ва ривожланишининг муҳим шартидир. Самарали профилактика механизмларини жорий қилиш, ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш ва жамиятда жинсий ахлоқ ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш орқали жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишни самарали ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун жамиятда ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади ва уларнинг эркинликларига дахл қилувчи жиноятларини бартараф этиш учун самарали механизмлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Фойданалган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2024
4. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 17.08.2020 йилдаги ЎРҚ-633-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги ПФ-6196-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги ПФ-27-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида" ги 2003 йил 29 август кунги ЎРҚ-522-сон қонун

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори.

7. Қадамович Б. Ҳ. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТАРБИЯСИ ОҒИР БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2024. – Т. 4. – №. 4-1. – С. 95-100..

